

Ўзбекистон халк ёзувчиси Шукур Холмирзаевдан салмокли адабий мерос колди. Айникса, ўзбек хикоячилигига катта хисса кўшган адибнинг “Сайланма”лари (дастлабки уч жилди)га жамланган саксон еттита хикоялари унинг бутун ижоди, хусусан, кичик жанрдаги самарали фаолияти хакида тўлақонли тасаввур бера олади. Аммо, адабиёт ихлосмандларига яхши маълумки, Шукур Холмирзаев факат хикоянавислик билан чекланиб колгани йўк, аксинча, у бадий ижоднинг бошка жанрларига хам мурожаат этган, жумладан, катор эссе, кисса, роман, драма, табиат ва инсон, адабиёт ва жамиятаро муносабатларга багишлаб кўплаб маколалар ёзган фаол муаллифлардан эди.

Шукур Холмирзаев адабий мероси хакида гап кетганда, бир жихатга алохида тўхталиб ўтиш жоиз. Ёзувчининг китобхонлар эътиборига хавола этилганларидан ташкари турли сабаблар билан нашр юзини кўрмаган ёки бир қисми эълон килинган, алохида китоб шаклида чоп этилмаган асарлари хам бор. Гарчанд умр бўйи адабиёт дарди билан яшаб, унинг муаммосини ўз кайгуси деб билган эса-да, адиб кўпрок ёзишни ўйлаган, асарларининг босилиб чиқишига иккинчи даражали масала деб караган эди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзади: “...мени хамма вақт факат ёзиш кизиктирган, ёзиш жараёнидан завк олганман. Асар матбуотда чиккач, бир кун-ярим кун хаёлимда бўлган, кейин елкамдан ошириб ташлаганман, давоми кизиктирмаган”. Натижада ёзувчининг баъзи асарлари алохида китоб холида эълон килинмай, газета-журналлар ва айрим тўпламлар катида қолиб кетаверади...

Адибнинг китобхонлар ҳукмига хавола этилган романи бешта: “Сўнгги бекат” (1974), “Килкўприк” (1984), “Йўловчи” (1986), “Олабўжи” (1992), “Динозавр” (1996). Булардан учтаси – “Йўловчи” (бир қисми), “Олабўжи” ва “Динозавр” (биринчи китоби) “Шарк юлдузи”, “Ёшлик” журналларида чоп этилган. Аммо бу асарларнинг тақдири хам силлик кечмаган. Биринчидан, муаллиф ўз ижодига танқидий кўз билан карагани, ёзаётганларини изланишлар натижаси деб билгани боис, ушбу асарларидан кўнгли тўлмаган. “Шукур Холмирзаев ўзига талабчан ёзувчи, – деб ёзади академик Матёкуб Кўшхонов. – Асар устида узок вақт ишлаб, битгач, ўзига ёкмай колса, “уни бир амаллаб эълон қилиб ола қолай”, деб ўйламайди, хатто ундан воз кеча олади хам”. Бу фикрни ёзувчининг ўзи хам тасдиқлайди. У бир жойда “Йўловчи” романининг журналда эълон килинган дастлабки ўн олти бобидан воз кечганини айтса, бошка бир суҳбатда “Килкўприк” романи хам кўнглидагидек чикмаганини билдиради: “Бальзак битта роман ёзишдан олдин бешта романнинг бошига етган. Шундай экан, нега машқ қилиб кўрмаслигимиз керак? Хозир 4-5 романим бор. Сўнггиси, “Олабўжи” ўтган йили “Шарк юлдузи” журналида эълон қилинди... Назаримда, хозирча энг яхши романим шу бўлса керак. Шунинг учун хам “Йўловчи”, “Килкўприк” романларимдан кечдим”. (Таъкидлар бизники – О.С.)

Иккинчидан, муаллифнинг асарлари ёзилганидан сўнг хам осонликча чоп этилавермаган, ўз вақтида жуда кучли кудратга эга бўлган адабий назорат (цензура)нинг “тахрир”идан ўтган (бундай қисматга бошка ижодкорларнинг асарлари хам дуч келган эди). Масалан, салкам етмиш йил мобайнида, катор-катор

таджикотларда, бадиий асар сифатида такдим этилган битикларда “босмачилик” деб атаб келинган, аслида эса ватандошларимизнинг боскинчиларга карши кураши ўларок юзага келган миллий озодлик харакатига багишланган “Килкўприк” романи ҳам мафкурашунослар чигиридан ўтган. Адибнинг ўзи бу ҳақда шундай эслайди: “Килкўприк” романида эса, дунё кўлдан кетди, деганман. Бунда 18-йил воқеалари ёзилган, лекин мен 22-йил, деб сакраб ёзганман. Мени концепция кизиктирган. “Килкўприкдан ўтдик, жаннатга эмас, дўзахга ўтдик”. Шу охириги жумла чикмаган. Аслида, охири бундай тугаган эди: “Дўстлик кабристони тепасида бир неча кишилар пайдо бўлди. “Э, бу бойнинг кизи экан-ку. Бу эшони Судурнинг набираси экан-ку”, деб уларнинг сўнгаларини олиб, Бойсунсойга ташладилар. Итлар гажиб ташлади”. Мен шу жумла учун бу асарни ёзган эдим”. (Таъкидлар бизники – О.С.). Чиндан ҳам, асарда шўролар орасидан гўё кочган бўлиб лашкари ислом – “босмачилар” орасига борган Курбон (“эшони Судурнинг набираси”) минг бир тахликада, хар дам сири фош этилишидан хавотирланиб, жонини гаровга кўйганча шўро рахбарлари берган топширикни адо этадики, хизматлари эвазига “Бу эшони Судурнинг набираси”, деган айб билан (холбуки, Курбоннинг устози эшони Судурдан кийнала-кийнала воз кечгани, унинг ўзларига хизмат килишини истаб, “Шундай одам!.. Биз (шўролар – О.С.) тарафда бўлса!..” деган изтироблари романда махорат билан тасвирланган) сўнгалари тимсолида хотирасининг хорланиши янги тузум – шўролар учун одамнинг заррача кадри бўлмаганининг далили эди. Айтиш керакки, “одамзоднинг иродасини букиш, рухини синдиришга каратилган” (Шукур Холмирзаев таъбири) собик тузумда одамнинг ўзидан кўра меҳнати устун кўйилгани, “хизматини ўтаган” деб хисобланган инсонлардан осонгина воз кечилгани шўроларга умрини тиккан, бу йўлда не-не жонбозликлар кўрсатган, аммо охирида хўрланган Эшниёзнинг аччик қисмати мисолида “Эсиз, Эшниёз” (1987–1988) хужжатли қиссасида ифодаланган.

Шукур Холмирзаевнинг “Динозавр” романи, гарчанд, адиб бу асарининг кўнглидагидек чиқишига умид қилган эса-да (“Динозавр” романим, илоё, сўнги асарим бўлмасин, шу менинг суянган тоғим”), тугалланмай қолган. Асар уч қисмдан иборат бўлиши кўзда тутилган, биринчи қисми “Ёшлик” журналида чоп этилган, адиб иккинчи қисмини ҳам тугатиб, учинчи қисмини ёзаётгани ҳақида хабар берган, аммо асарнинг қолган қисми матбуот юзини кўрмаган.

Маълумки, адабиётшунослиқда шоир ва ёзувчиларнинг кўлёмалари, янги асар учун тўплаётган маълумотлари, шунингдек, асарларидаги ишоратлар орқали уларнинг ижодий нияти, режа ва гоёлари ҳақида ҳам сўз юритилади. Масалан, Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарининг сўнгида Султон Хусайн тарихи ҳақида дoston ёзиш нияти борлигини баён этади. Шунингдек, улуг шоирнинг кўп асрлик севги қиссаси – Юсуф ва Зулайхонинг оташин муҳаббати ҳамда ўзининг севгиси ҳақида ҳам ёзмокчи эканлигини билдиради. Улуг адиб Абдулла Қодирийнинг навбатдаги ижодий режаларидан бири “Амир Умархоннинг қанизи”, “Намоз ўгри”, “Дахшат” романларини ёзиш бўлганини мутахассислар қайд этишади.

Аслида, хар бир ижодкорда бундай ният бўлиши табиий. Шукур Холмирзаев ҳам айрим суҳбат ва мақолаларида қелгусидаги режаларини баён этади. Масалан, адиб бир ўринда “Кирк ога-ини” деган қирқта хикоя ўйлаб” кўйганини, бошқа жойда “Аросат даштидан 73 мактуб” туркумида хикоялар яратиш нияти борлигини билдиради. Шунингдек, ёзувчи Омон Мухторнинг эслашича, Шукур Холмирзаев икки мавзуда – муҳаббат тўғрисида ва шоир Турди Фароғий ҳақида роман ҳам ёзмокчи бўлган:

“...дўстим, огайним, истеъдодли адиб Шукур Холмирзаев кўпинча сухбатларимизда ёзаётган асарлари сингари, ўйланган асарлар бобида ҳам гапирар эди. Жумладан, икки роман устида сўзлашганимизни эслайман. Биринчиси, мумтоз адабиётимиз вакилларида Турди – Фитрат таъбири билан айтганда, “Ўзбекнинг бу кизикарли шоири” – хақида роман. Иккинчиси, мухаббат хақида. Бировга ўхшамаган янги талкинда”. Аммо бу ниятлар кўнгул катида орзулигича қолиб кетди.

Шукур Холмирзаевни яқиндан таниганлар унинг чўрткесар, бир сўзли, камгап, баъзида кайсар инсон бўлганини эслашади. Кизиги шундаки, Шукур Холмирзаевнинг табиатидаги бундай сифатлар асарлари тақдирига ҳам таъсир этган. Мана битта мисол: адиб “Хаёл ва хаёт” деган янги роман ёзиб, Ёзувчилар уюшмасига олиб боради. Дарвоқе, унга адабиётшунос олимлар ва адиблардан Иброҳим Гафуров, Пирмат Шермухаммедов, Машраб Бобоев асарни мутолаа қилишиб, муаллифни қутлашади. Ўзига ишонган ва, табиийки, илк мухлисларнинг хайрихоҳликларидан янада руҳланган Шукур Холмирзаев янги романини Ёзувчилар уюшмасига муҳокама учун тақдим этади. Бирок... “Кенгаш раиси Ҳаким Назир жуда қийналиб кетиб: “Шукуржон, яхши-яхши. Аммо проблемаси йўқ. Ҳеч бўлмаса, асар марказига битта қишлоқ хўжалигига доир проблема қўшинг”, дейди. Бундай муносабатдан жахлланган Шукур Холмирзаев “романини Ёзувчилар боғидаги иморатнинг ортида – улкан чинор остида” қуйдиради. Бир қараганда, ёзувчи бамисоли бургага аччиқ қилиб, қўрпага ўт қўйгандай – аламини асаридан олгандай туюлади. Қолаверса, ижодкорлар хаётини ўрганган қишлоқнинг қайд этишларича, турли сабаблар билан, аксар ҳолларда, ёзганидан қўнгли тўлмаган муаллифнинг ўз қўлёмасидан воз кечиши ягона ҳодиса эмас. Аммо “Хаёл ва хаёт”нинг қуйдирилиши – бошқа масала. Бунда ёзувчи ўзини тушунмаганликларидан ўқийди, игна билан қудук қазийди, машаккатли меҳнати қадрланмаганидан ҳам қўра, фикри йўққа чиққанидан эзилади. Ижодкор учун ёзиш ўзини англайиш воситаси эканини инобатга оладиган бўлсак, фикри, нияти, гоё ва мақсади ифодаланган асарининг жўн, юзаки баҳолавиши муаллиф учун гоёта оғриқли экани аёнлашади.

Перулик ёзувчи Марио Варгас Льоса ижод моҳияти, ижодкорнинг адабий ва хаётий тутумлари хақида фикр юритиб, шундай ёзади: “Ҳақиқий бадиий истеъдод эгаси учун, аввало, Худо берган истеъдодни юзага чиқаришнинг ўзи олий муқофот, бошқа барча нарсалардан қўра ардоқлидир”. Айни мулоҳазаларни ҳеч бир муболагасиз Шукур Холмирзаевга нисбат бериш мумкин. Зотан, у ҳам ёзишдан лаззат олган, ижод машаккатларини ҳузур, дея қабул қилган ёзувчи эди. Адибнинг асарлари ҳамон мутолаа қилинаётгани эса, ижодкор меҳнатларининг бесамар эмаслигидан далolat беради.